

Хабар

22
(923)-son

28-may

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Ахборот хавфсизлиги

Уни таъминлаш чоралари

Бугунги кунда тез ўзгарувчан шароитларда давлат, жамият ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Ахборот глобаллашуви замонида республикаимиз халқаро миқёсда ўз ахборот мавқеини эгаллаши ва уни кучайтириши лозим. Ушбу вазифа эса тегишли қонунчилик асосларининг яратилиши асосида амалга оширилади.

Ахборот технологиялари ривожланиб, глобаллашиб борар экан, уларга бўладиган таҳдидлар, уларнинг турлари ва усуллари ҳам бир жойда тўхтаб турмайди. Хусусан, бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлашда вазият кўплаб дастурчилар, маъмурлар ва фойдаланувчиларни ҳушёрликка чорламоқда. Катта ва мураккаб тизимларнинг ишдан чиқиши ўз-ўзидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўплаб олимлар, таҳлилчилар ва дастурчиларни бу муаммо устида бош қотиришга ундамоқда.

5-бет



БУХОРОДА “БИЛАЙН”НИНГ ЯНГИ ИДОРАСИ

“Unitel”нинг Бухоро ва Навоий вилоятларини бирлаштирувчи Жануби-Ғарбий ҳудудий филиали абонентларига кўрсатиладиган хизмат сифатини янада ошириш мақсадида Бухоро шаҳрида янги сотув ва хизмат кўрсатиш идораси очилди. 25 май куни “Билайн” рамзига мос услубда безатилган бинонинг эшиклари меҳмонлар, журналистлар ва биринчи миждозлар учун очиқ бўлди. Тантанали очилиш маросимида шаҳар маъмурияти ва “Unitel” МЧЖ топ-менеджменти вакиллари иштирок этишди.

Воқеани изоҳлар экан, “Unitel” Жануби-Ғарбий ҳудудий филиали директори Фулом Ортиқов шундай леда: “Янги бинода оммавий бозор абонентларини ҳам, корпоратив миждозларни ҳам қулай шарт-шароитлар ва юқори даражада сервис кутмоқда. Улар бу ерда “Билайн”нинг мобил ва қўзғалмас алоқадан то интернетга кенг полосали уланишгача бўлган барча хизматларига оид батафсил ахборотлар олишлари мумкин”.

Ҳудудий филиалларни ривожлантириш “Билайн”нинг Ўзбекистондаги энг муҳим ишларидан бири ҳисобланади. Эслатиб ўтамиз, 2009 йилда Тошкентда “Beeline Business” идораси ва Зарафшонда “Билайн”нинг сотув ва хизмат кўрсатиш идораси тижорат мақсадларида ишга туширилган эди. 2010 йилнинг март ойида эса Термиз шаҳрида компаниянинг энг йирик ҳудудий идораси дастлабки миждозларни қабул қилди.

Сўнги янгилик!

Британиялик олим Марк Гассон XXI асрнинг янги касаллиги — компьютер вируси билан оғриган биринчи одам сифатида қайд этилди.

Ридинг университетига кибернетика йўналишида иш олиб борувчи докторнинг таъкидлашича, вирус унинг қўлига имплантация қилинган чипга юққан. Бу чипдан у лаборатория эшиклари, шахсий мобил телефонини очиб учун фойдаланарди.

Зарарланган чип орқали лабораториядаги бошқа электрон қурилмаларга ҳам вирус юққан.

Докторнинг айтишича, бу ҳолат имплантацияланган беморлар учун хавф юқорилигини исботлайди. Яъни, беморларда юрак уришини назорат қилувчи кардиостимуляторларда мини-компютерлар мавжуд. Шифокорлар бу қурилма билан бемор терисига ўрнатилган махсус чип орқали “боғланади”. Агарда вирус ушбу чипга тушадиган бўлса, юрак ишини бошқарувчи кардиостимуляторни ҳам ишдан чиқаради ва бу ҳолат бемор учун ҳалокатлидир.

Ушбу сонда:

- Фарғонада халқаро форум 2
- Дехқонobodликлар ҳузурида 3
- В Индию состоится всемирная конференция по развитию электросвязи 6
- Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда 12
- Компютер саводхонлиги 13-14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net — сифат рамзидир
Internet Service Provider

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 май кuni Андижон вилоятида бўлди.

Юртбошимиз Андижон вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини таъкидлар экан, ҳали қилиниши зарур бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди ва тегишли топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 май кuni Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазир Ян Цзечини қабул қилди.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаонинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 май кuni Оқсаройда Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг иштирокчиларини қабул қилди. Учрашувда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўлажак мажлисига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Тошкентда 22 май кuni Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис анъанавий дўстлик ва ўзаро ҳамжихатлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилдаги ва 2010 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масалани муҳокама қилишди. Улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилги ва 2010 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари, соҳани янада ривожлантириш учун қабул қилинган қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, мақсадли давлат дастурлари ижроси атрафлича таҳлил этилди.

Пойтахтимизнинг “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида “Нафосат маликалари” деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Талбирда ғолиб чиққан Тошкент тиббиёт, маданият ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис коллежлари ўқувчиларидан бир гуруҳи танлов ташкилотчилари томонидан тақдирландилар.

Республика халқ таълими вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан “Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш — баркамол авлодни тарбиялашнинг асоси” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали янги биноси эрта тонгдан меҳмонлар ва талабалар билан гавжум бўлди. Филиал кираверишига илинган “Microsoft XXI асрда халқаро таълим форумига хуш келибсиз!” шиори ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди. Нихоят, форум катнашчиларини тантанали кутиб олиш дакикалари бошланди. Халқимизнинг сеvimли оdatи — азий меҳмонлар хамиша очик чехра, non-туз ва гулдасталар билан кутиб олинади. Бу гал ҳам ана шу оdatта риюа килинди.

Фарғонада халқаро форум

Форум бизнинг вилоятимизда, айнан ТАТУ Фарғона филиалида ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор, албатта. Ахборот технологиялари соҳасида водийда ягона ҳисобланган ўқув юртида бу каби халқаро форумларнинг ўтказилиши ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Халқаро анжуманда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги олий ўқув юрлари ва таълим муассасалари билан 200дан ортиқ профессор-ўқитувчилар, ходимлар, мутахассислар ва талабалар иштирок этишиб, Microsoft компанияси фаолияти ҳақидаги сермазмун маърузалар ва видеолар билан танишдилар.

Форумни филиал директори, профессор Р.Тешабоев кириш сўзи билан очди. У йилги катнашчиларини халқаро анжуман муносабати билан табриклаб, Microsoft компаниясининг ҳозирги замон таълим тизимида тутган ўрни, интернет технологияси соҳасида

олиб бораётган серкирра фаолияти тўғрисида қисқача маълумот берди ва форумга ташриф буюрган меҳмонлар билан таништирди.

Анжуманда Марказий Осиёда Microsoft бизнесини ривожлантириш бўйича бошқарувчи Татьяна Телегина, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан ишлаш директори Роланд Хофман, Softline компанияси директорлар кенгаши раиси Игорь Боровиков, компаниянинг таълим соҳасини ривожлантириш бўйича менежер Иван Миздриков, компаниянинг давлатлараро алоқалар ва бизнесни ривожлантириш йўналишлари бўйича раҳбари Максим Широковларнинг маърузаларини катнашчилар мароқ билан тинглашди.

— Microsoft компаниясига 1975 йилда асос солинган бўлиб, дастурий таъминот ишлаб чиқариш, шахсий компьютер ва серверларга интернет технологияларини яратиш

ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича дунёда етакчи ўрин эгаллайди, — деди Татьяна Телегина. — Microsoft кенг қўламдаги дастурий маҳсулотларни чиқаради ва яратади. Компания амалиёт тизимлари, миқроз-сервер муҳити учун сервер иловалари, бизнес иловалар, офис иловалар, интерфаол дастурлар ва ўйинлар, интернет тармоғида ишлаш учун воситалар ва ускуналари ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, Microsoft интерфаол хизматлар таклиф қилади, компьютер мавзусида китоблар чоп этади, компьютер учун зарур бўлган жиҳозларни тайёрлайди, илмий тадқиқот ишлари билан шуғуллашади ва янги компьютер технологияларини яратади. Компания маҳсулотлари 45дан ортиқ тилларга таржима қилиниб, жаҳоннинг 80дан ортиқ мамлакатларида соғилади.

— Microsoft компаниясининг Фарғонага ташрифи юртдошларимизнинг ахборот технологиялари соҳасида халқаро миқёсдаги алоқалари учун катта имкониятлар эшигини очиши аниқ, — дейди 2-босқич талабаси Ҳилолаҳон Гафурова. — Форум менда ва тендошларимда катта таассурот қолдирди. Айниқса, компаниянинг ривожланиши, таълим тизимига олиб кираётган янги педагогик-интерфаол усуллари ҳақидаги видеолар билан биз учун янгилик бўлди.

Microsoft компанияси томонидан Фарғона шаҳридаги “Шодлик” мактаби ўқувчилари 14та сўнгги русумдаги ноутбук ҳамда форум катнашчиларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

Форум ишида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Носиров иштирок этди.

Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
доценти

TAQDIMOT

Катта қизиқиш билан

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг “Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди” асарининг тақдироти бағишланган талбир бўлиб ўтди.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда Бухоро давлат университетининг “Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” кафедраси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу талбирда сўзга чиққан марказ бўлим мудири З.Салимова зиё масканининг бой китоб фонди, унинг шаклланиш тарихи хусусида сўзлади. Талаба-ёшлар турли мавзулардаги китоблар, қўланма ва рисоаларни доимий мутолаа қилиш билан бирга, Президентимиз асарлари ва нутқлари мазмун-моҳиятини ҳам тўлиқ тушуниб етишга ҳаракат қилаётганликларини таъкидлади. Зотан, Юртбошимиз китобларида мустақил давлатимизнинг тараққиёт йўли, истиқболдаги вазифалар ўз ифодасини топган.

Талбирда сўз олган Бухоро давлат университети ўқувчиси Иззатулла Шоев ушбу янги китобдан Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишида сўзлаган “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” мавзусидаги, шунингдек, 2009 йилнинг асосий ақуларни ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари ўрин олганлиги ҳақида гапирди.

Талбирда унинг асосий иштирокчилари бўлган БДУнинг гидрометеорология ва филология факультетлари талабалари ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга аниқ жавоблар олишди. Кутубхона марказининг ҳуқуқ ахбороти сектори етакчи кутубхоначиси Д.Ташева “Президентимиз асарларини ўрганиш” деб номланган кўргазмадан жой олган барча китоблар хусусида атрафлича маълумот берди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Дехконободликлар хузурида

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, соҳага оид ислохотларнинг бориши, фуқароларнинг мурожаатлари билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Дехконобод тумани аҳолиси ҳамда фаоллари билан учрашув ўтказди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиаллари директорлари С.Хафизов, Ж.Бозоров, вилоят “Матбуот тарқатувчи” ШК директори Т.Очиловлар туман аҳолисига кўрсатилаётган почта хизмати, пенсия таъминоти, пенсионерларга яратилган қулайликлар, туманда алоқа каналларининг тўлиқ рақамлаштирилганлиги, иккита янги рақамли ЭАТС ўрнатилиб фойдаланишга топширилганлиги, интернет-кафе фаолияти, вақтли матбуот нашрларининг етказилиши тўғрисида ахборот бердилар.

Вилоятда фаолият олиб бораётган Агентлик тизимидаги ва бошқа корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, туман қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган учрашувни туман ҳокими А.Омонов очиб, туманда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, ҳар бир соҳадаги ислохотлар, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишлар хусусида тўхтади.

А.Хўжаев учрашувда кейинги йилларда мамлакатимизда алоқа ва

ахборотлаштириш соҳаси ривожига учун қилинаётган ишлар, улар вилоят ва туманларда ҳам кенг қулоқ ёйганлиги, жумладан, Дехконобод тумани маркази тўлиқ рақамлаштирилганлиги, интернет хизмати, замонавий почта алоқаси хизматлари кўрсатилаётганлиги, туманининг тоғли қишлоқ аҳоли масканларида кам қувватли телерадио сигналларни қабул қилувчи узатгичлар ишга туширилганлиги ва бошқа алоқа хизматларининг бугунги кун талаби даражаси тўғрисида атрофлича сўз юритди.

Шу кун А.Хўжаев “Алском” сугурта компаниясининг Шаҳрисабз филиалида ҳам бўлиб, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар, яратилган қулайликлар билан танишди.

*Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири*

Чек кўйилди

Бобур савдо киламан деб бозорга чикканида ота-онаси хурсанд бўлишди. Ёрдам бўлсан деб, анча-мунча пул ҳам беришди. Аммо унинг нима қилаётганидан хабар олишмади. Пул топиб келяптику, деганча безътибор бўлишди...

Аслида Бобур илгари ҳам қонунга зид ҳаракати учун дакки еган ва 2009 йилда эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли диск сотгани учун жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг қарорига кўра, маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Шундай бўлса-да, тўғри хулоса чиқармаган Б.Жўраев яна ноқонуний ишини давом эттирди.

Бозордаги “ака”ларига қўшилиб, пул кетидан қувди. Яхшини яхши, ёмонни ёмон демай, ҳеч нарсадан тап тортмай, ишга шўнғиди. Дискфурушлик қила бошлади. Аввалига иши яхшигина ривожланди. Фойда кетидан фойда қўриб, ўзини анча тиклаб олишга ҳам эришди. Кейин турли “хунар”лар чиқара бошлади. “Заказ”га қараб турли дискларни олиб кела бошлади. Харидорлар ҳам турлича-да, ҳар бирининг ўз фикри, ўз дунёқарашини бор. Бири яхши, бири ёмон. Бобур уларни ҳеч бирига йўқ демай, айтганини олиб келди. Охир-оқибат, турли беҳаё филмлар олиб келишга ҳам ўтди. Кунда-кунора бу турдаги дискларнинг мижозлари ҳам келиб турарди-да. Ўшаларни қуруқ қўл билан қайтаргиси келмади.

Аммо қанчалик катта хатога қўл ураётганидан беҳабар эди. Оқибатини ўйламай, қинғир йўлни танлаган Бобурнинг борадиган жойи аниқ эди.

Департаментнинг Тошкент шаҳар, Сергели тумани бўлими тезкор ходимларининг 2010 йилнинг 14 апрелида Сергели туманидаги “Ярмарка” бозори ёнида аудио-видео махсулотларини ноқонуний равишда муомалага киритиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган рейд текшируви Бобур Жўраевнинг “беҳаё қилмиши”га чек қўйди. У яна қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинди.

Текширувда фуқаро Бобур Жўраев тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний тарзда савдо растаси ташкил қилгани етмагандек, очик-ойдин порнографик мазмундаги дискларни сотаётгани аниқланди. Шу кун Бобурдан олинган умумий қиймати 35400 сўмлик 356 дона DVD ва MP3 дисклар, жумладан, порнографик мазмундаги дисклар масала қонуний ҳал бўлгунча қадар олиб қўйилди. Қонунбузарнинг ўзи эса, албатта, жазосини олади. У Жиноят кодексининг 130-моддаси билан айбланмоқда.

*Бекзод ҚОРАБОВ,
Бош прокуратура хузуридаги
СВОЖДЛҚК департаменти
Тошкент шаҳар, Сергели тумани
бўлим бошлиғи ўринбосари*

Осиё чемпионати ТАТУда

Шу кунларда пойтахтимизда футзал бўйича Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Мусобаканинг гуруҳ ўйинлари якунланди. Уч тур ўйинларининг 12 учрашувига Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт зали мезбонлик килди.



Бундай нуфузли мусобақани ўтказишда “Ўзбекистон” спорт мажмуаси билан бирга соҳа ўқув юрти спорт залининг танлангани бежиз эмас. Ўтган йилнинг феврал ойида фойдаланишга топширилган мазкур 400 ўринли спорт кошонаси халқаро талабларга жавоб бера олади. Буни мусобақа давомида ўз ўйинларини ўтказган қатор терма жамоалар вакиллари ҳам таъкиллаб ўтишди. Умуман олганда, ташкилий ишларнинг юқори даражада йўлга қўйилгани баҳсларнинг қизиқарли ўтишини таъминламоқда.

Энди Ўзбекистон терма жамоаси иштирокига тўхталиб ўтсак. Мусобақа фаворитлари қаторида саналаётган терма жамоамиз гуруҳ ўйинларида қийин галабаларни қўлга киритди.



Терма жамоамизнинг дастлабки учрашуви Ливан терма жамоасига қарши кечди. Биринчи бўлимда устунликка эга бўлган вакилларимиз дастлабки 10 дақиқада икки тўп киритиб, муҳлисларни хурсанд қилди. Аммо иккинчи бўлим умуман бошқача сценарийда давом этди. Энди ливанликлар кескин ҳужумлар уюштира бошлашди. Терма миз посбони Рустам Умаров бир неча бор жуда хавфли вазиятларни бартараф этга олди. Шундай қилиб, иккинчи бўлимда томонлар биттадан тўп

киритиш билан кифояланишди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЛИВАН – 3:1

Голлар: Нодир Элибоев 7, Хуршид Тожибоев 10, Дилшод Ирсаев 39 – Холди Такежи 34.

Футзалчиларимиз иккинчи учрашувни ҳам жуда катта қийинчилик эвазига ўз фойдасига ҳал қилди. Учрашув давомида индонезияликлар ҳатто ҳисобда олдинга ҳам чиқиб олишди. Сапонинг ўз вақтида берган кўрсатмалари эвазига вакилларимиз нафақат ҳисобни тенглаштиришди, балки ғалаба келтирувчи тўпларни ҳам киритишди.

ИНДОНЕЗИЯ – ЎЗБЕКИСТОН – 2:4

Голлар: Хайрул 27, Жефри Пурба 32 – Дилшод Ирсаев 12, Фахриддин Самигов 32, Нодир Элибоев 33, Константин Свиридов 36.

Гуруҳнинг сўнгги ўйини ҳеч нарсани ҳал қилмас эди. Терма миз кейинги босқич масаласини ҳал қилиб улгурган бўлса, Хитой Тайпейи мусобақа билан хайрлашиб бўлганди. Шундай бўлса-да, баҳс анча шиддатли кечди.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТой тайпейи – 4:1

Голлар: Нодир Элибоев 7, Хуршид Тожибоев 33, Артур Юнусов 34, 40 – Чин Ан Ло 21.

Кеча қитъа чемпионатида чорак финал ўйинлари ўтказилди. Унда қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс олиб боришди.

Тайланд – Хитой

Япония – Қирғизистон

Ўзбекистон – Австралия

Эрон – Ливан

Ярим финал баҳслари бугун бўлиб ўтади.

Мусобақада шанба дам олиш кунини ҳисобланади. Яқшанба кунини эса 3-ўрин учун ва финал баҳслари ўтказилади.

Xalqaro haqot



ЁМФИР ТОШКИНГА АЙЛАНДИ

Полшда бир неча кундан бери тинмай ёғатган ёмфир сув тошқинларига сабаб бўлди. Табиий офат туфайли 15 киши ҳаётдан кўз юмди, минглаб одамлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Юз минглаб гектардаги ер майдонларини сув босган.

Мамлакат ҳукумати тошқиннинг олдини олиш юзасидан барча зарурий чораларни қўлламоқда. Хусусан, Мазовия вилоятидаги дамба портлатилди. Полшда бу каби офат 1884 йилдан буён қайд этилмаган экан.

Табиий офат Чехияда ҳам катта талафотларни келтириб чиқармоқда. Ушбу давлат сув тошқинларидан 55 миллион евро миқдорда зарар кўрган.

ПЕРУДА ЗИЛЗИЛА

Перуда Рихтер шкаласи бўйича 5,9 баллга тенг бўлган zilzila юз берди. АҚШ миллий геология хизмати хабар беришича, ер силкиниши маркази мамлакат пойтахти Лима шаҳридан 360 километр жануби-шарқда ҳамда Аякучо шаҳридан 85 километр жанубда қайд этилган. Ҳозирча талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Япониянинг Toyota ҳамда АҚШнинг Tesla компаниялари янги лойиҳа устида ишламоқчи.

Ҳар иккала компания мутасаддилари ҳамкорликда электр қуввати билан ҳаракатланадиган спорт машиналари ишлаб чиқаришга келишиб олишди. Automotive News нашрининг ёзишича, ушбу автоуловларни АҚШнинг Калифорния штатидаги New United Motor Manufacturing корхонасида йиғиш режалаштириляпти. Аввал бу ерда Toyota Corolla ва Toyota Tacoma русумли автомобиллар ишлаб чиқариларди.

Экспертларнинг таъкидлашича, Toyotaнинг Tesla билан ҳамкорлик қилиши унинг АҚШдаги мавқеини мустаҳкамлайди.

GERMANYA KEMASIDA ЁНГИН

Норвегия қирғоқларида Германиянинг Love Воа номли саёҳат кемасида ёнгин юз берган. Фалокат рўй берган вақтда кемада 607 киши бор эди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида уларнинг ҳеч бири жабранмади. Лекин кемага жиддий шикаст етган. Ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

ВУЛҚОН ПАСАЙМОҚДА

Шу кунларда Исландиядаги Эйфятлайокуд вулқонининг фаоллиги бир оз пасайган.

Исландия метеорология хизматининг маълум қилишича, энди вулқон самолётлар парвозига ҳалақат бермайди. Гарчи вулқон ёниб турган бўлса-да, ундан олов қолдиқлари ва кул ажралиб чиқмаяпти.

Бундан бир неча кун аввал вулқон фаоллашганди. Табиийки, бу Европа осмонида самолётлар парвозини тўхтатиб қўйди. Натижада юз мингта яқин рейс бекор қилинди. Бу пайтда қитъадаги авиакомпаниялар қарийб ярим миллиард евро миқдорда зарар кўрди.

Вулқоннинг яна фаоллашишини ҳеч ким аниқ айта олмаяпти.

ПОЧТА МАРКАСИ 2,3 МИЛЛИОН ЕВРО

Швецияда дунёдаги энг қimmat почта маркаси сотилди.

Treskilling Yellow деб номланган мазкур марка David Feldman аукциониди 2,3 миллион еврога баҳоланди. Маркани сотиб олган коллекциячи ўзини танитишни истамади.

Treskilling Yellow маркаси 1855 йили Швецияда ишлаб чиқарилган.

Мамлакатимизда почта ва телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳаётимизга янги технологияларнинг кириб келиши, кўрсатилаётган хизматлар доирасида сифат кўрсаткичларининг юқори даражасига эришилаётганлиги қўлга киритилаётган ютуқлардан далолатдир. Айниқса, Наманган вилоятининг кишлокларига алоқа хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида замонавий электрон телефон станциялар, кўчма почта алоқаси масканлари оркали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар бунга яққол мисол бўла олади.

Максад — алоқа сифатини яхшилаш

Вилоятда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан “Наманган Телеком” филиали билан ҳамкорликда ишлаш бўйича тузилган режа-жадалга асосан Наманган вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан Мингбулоқ, Чортоқ, Норин, Янгиқўрғон, Чуст туманлари ва Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаларида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар мобайнида кишлоқ телефон тармоқларидаги нохуш ҳолатларни кўриб ҳайрон бўлдик. Республикамиз ҳукумати ва соҳамиз раҳбарияти томонидан кишлоқ жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва сервис соҳасини кенгайтириш юзасидан қўллаб-қўлловчи амалга оширилаётган бир пайтда туман ТБ раҳбарлари кишлоқларда хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир этувчи ҳолатларга эътиборсиз қараб туришларига қандай изоҳ бериш мумкин?! Масалан, Чуст туман ТБ Оғасарой ва Олмос қишлоқ АТСларининг эшиги темир панжара билан қопланмаган. Оғасарой АТС кроссида тартибсиз тортилган симлар мавжуд. Хонада вақтинчалик уланган электр лампочкасининг сими очиқ ҳолда электр розеткага уланиб, ёнгин хавфсизлиги талаблари кўпол равишда бузилган. Хонанинг санитария ҳолати ёмон. Бино авария ҳолатида — таъмирталаб. Тепақўрғон АТС ташқи ҳовлиси санитария ҳолати ёмон, тозаланмаган. Чортоқ ТБ Боғистон АТСда бино таъмирталаб.

Ўрганишда асосан бирламчи ҳужжатларнинг юритилиши, жорий ва капитал таъмирлаш режалари тузилганлиги ва бажарилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг белгиланган талабларга жавоб бериши, ишчи-ҳодимларнинг махсус кийим-бош ва керакли асбоб-ускуна билан таъминланиши, қурилмаларнинг белгиланган талаблар асосида ишлаши каби масалалар ҳам ўрганилди.

Наманган вилояти ДАИ томонидан телекоммуникациялар боғламаларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Берилган тавсиялар ва ўрганиш натижалари асосида камчиликларни бартараф этиш юзасидан телекоммуникация боғламалари томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши назоратга олинди.

Бундан ташқари, вилоят Электромагнит мослашув хизмати билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш бўйича тузилган чора-тадбирлар режасига асосан вилоят ҳудудида радиоэлектрон воситалар (РЭВ) ва юқори частотали қурилмалардан (ЮЧК) ноқонуний фойдаланаётган шахсларни аниқлаш мақсадида доимий равишда ўрганишлар ўтказилиб келинмоқда. Режага асосан, РЭВ ва ЮЧК олиб кириш, сотиш, фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан вилоят ҳудудида ҳамкорликда жами 36та тадбир ўтказилиб, уч нафар шахс (“Наманган Телеком” филиали Мингбулоқ ТБ бошлиғи, Наманган шаҳар ТБ бошлиғи ўринбосари ва “Қишлоқхўжаликкимё” АЖ Уйчи филиали мудири)га нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига асосан маъмурий жазо чоралари кўрилди ва иккита шахсга нисбатан ўз вако-

латлари доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чора кўриш учун ҳужжатлар тўплами вилоят ички ишлар бошқармасига юборилди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиалининг Мингбулоқ, Уйчи, Учқўрғон ва Поп туман почта алоқаси тармоқларида ҳам меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида почта алоқаси тармоқлари фаолиятида амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилиши ҳолатлари, жумладан, нафақа пулларини яқин қариндошларга ишончномасиз тўлаш, мижозларга пул жўнатмалари келганлиги тўғрисида 22-шаклдаги иккиламча хабарномалар етказилиб берилмаслиги ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.

Мингбулоқ, Учқўрғон ва Поп почта алоқаси тармоқларида аҳолидан коммунал хизматларга қабул қилинган тўловлар учун 47-шаклдаги квитанция ёзиб берилмаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Уйчи, Учқўрғон ва Мингбулоқ ПАТлар назоратчи ходимлари ва бухгалтерия томонидан ой охирида 47-шаклдаги квитанция дафтларига тегишли назоратдан ўтказилмаган. Бу эса нақд пул тушумлари ўз вақтида белгиланган тартибда киним қилиниши устидан туман ПАТ раҳбарлари томонидан назорат етарли даражада йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Учқўрғон ва Поп почта алоқаси тармоқларида даврий матбуот нашрларига обунанинг ташкил этилишида иккитадан ҳолатда обуна учун қабул қилинган пул маблағларининг тўлиқ киним қилинмаслиги ҳолатлари мавжуд.

2009 йил давомида Мингбулоқ ПАТда еттита алоқа ҳудуми билан, Учқўрғон ПАТда битта алоқа бўлими билан почта алмашинуви ўтказилмаган.

Мингбулоқ ва Учқўрғон почта алоқаси тармоқларининг мижозларга хизмат кўрсатиш амалиёт залларида мижозлар учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ ёзиб қўйилмаган.

Юқоридаги ҳолатларга бошқа туман ПАТларида йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган ўрганишлар натижалари барча почта алоқаси тармоқлари масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилинди. Камчиликларга йўл қўйган ҳудумларга нисбатан тегишли почта алоқаси тармоқлари томонидан интизомий жазо чоралари кўрилди, камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида такрорланишининг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, бажарилиши назоратга олинди.

Бундан ташқари, ўрганиш давомида 30та алоқа бўлимининг таъмирталаблиги, 9та алоқа бўлимида мижозлар учун етарли шароит yaratилмаганлиги, 9та алоқа бўлимининг санитария ҳолати қониқарсиз эканлиги аниқланиб, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали томонидан тузилган чора-тадбирлар натижасида камчиликлар бартараф этилишига эришилди.

Ўрганишлардан мақсадимиз битта, у ҳам бўлса камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш, аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатишни ташкиллаштиришдир.

Ю. ИШАНОВ,
Наманган вилояти
ДАИ бошлиғи

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг миллий криптографик алгоритмларни яратиш, уларни тақомиллаштириш ва ахборотни криптографик муҳофазалашнинг миллий дастури ва аппарат-дастурий воситаларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик муҳофазасини ташкил этишга оид чора-тадбирлар Тўғрисида»ги 614-қарорда биринчи гадаги вазифа қилиб қўйилган. «UNICON.UZ» ДУК (Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази) ходимлари томонидан «Криптографик коммуникация, аутентификация ва махфий калитлар генерациясининг диаэкспотенциал тизимини яратиш усули» ихтиро сифатида қайддан ўтказилган ва мазкур ихтиро бу қарорнинг бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумот ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш қадим замонлардан бизга жуда яхши маълум. Ушбу даврларда ҳам маълумот хавфсизлиги давлат аҳамиятига эга бўлган. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, биргина мисол тариқасида Рим императори Юлий Цезар ҳам шу аснода иш юритган. Яъни, у маълумотларни махфийлаштириш усулини ўйлаб топган. Бу усул Цезар шифри деб номланди. Маълумот ва ахборотни махфийлаштириш криптографияга асосланади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўлларида бири бу — криптология фанини ривожлантиришдан иборатдир.

Криптология грекчада kryptos — «сирли» ва logos — «хабар» (ахборот) деган маънони англатиб, алоқа каналлари орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаган ҳолда сақлаш ва узатиш тизимларини яратиш ҳамда таҳлил қилиш билан ушбу фан шуғулланади.

Криптография — маълумотларнинг семантик таркибини яшириш, улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш ёки аниқланмайдиган модификация қилиш учун уларни ўзгартриш тамойиллари, воситалари ва методлар (услугалар)ини қамраб олувчи соҳа. Маълумотларни криптографик алмаштириш — шифрлаш дейилади. Шифрланган матндан тегишли дастлабки маълумотларни олиш жараёни — дешифрлаш дейилади. Аутентификация бир томонлама шифрлаш учун ишлатилади. Масалан, бир томонлама шифрлаш методи билан паролни шифрлаш натижасида олинган шифрланган матн сақлаб қолинади. Кечроқ тақдим этилган парол худди шу тарзда шифрланади ва кейин иккала олинган шифрланган матн солиштирилади, агар улар бир хил бўлса, унда тўғри парол тақдим этилган бўлади. Криптография, ўз навбатида, асимметрик криптография ва симметрик криптографияларга асосланади. Асимметрик криптография — шифрлаш ва дешифрлаш учун очиқ калит каби, унга тегишли шахсий калитдан фойдаланилади. Агар очиқ калит шифрлаш учун фойдаланилса, унда унга тегишли калит дешифрлаш учун ишлатилиши керак ва аксинча. Симметрик криптография — шифрлаш ва дешифрлаш учун битта калитдан фойдаланиладиган криптографиядир.

Бугунги кунда тармоқ хавфсизлигини таъминлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Буларга энг асосийларидан тармоқлараро экран,

виртуал хусусий тармоқ ва бошқалар кирди. Тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлашда эришилган энг сунгги ютуқлардан бири бу IPS/IDS (Intrusion Prevention System/Intrusion Detection System) тизимларининг яратилишидир. Бу тизимлар рухсат этилмаган киришларни аниқлайди ва уларни бартараф этади.

Жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг ахборот тизимида қуйидаги давлат стандартларида белгиланган ахборот хавфсизлигига қўйиладиган умумий талаблар ҳисобга олинган бўлиши керак: O'z Dst 1105, O'z Dst 1092, RH 45-170.

шениб турилади. Бу маълумотлар ўз вақтида ва керакли манзилга етиб боришига ким тўла қафолат бера олади? Шу сабабли ҳам ҳар бир корхона ва ташкилотда ахборот хавфсизлиги бўйича жавобгар ва масъул шахс ёки хавфсизлик маъмурлари бўлиши керак.



Ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ маълумотлар ва жараёнларни қайд этиб бориш учун назорат журнали юритилиши керак, чунки унда қайд этиб борилган маълумотлар сақланиб борилади. Назорат журнали 3 йилдан кам бўлмаган вақт мобайнида сақланиши керак. Назорат журнали қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

ичига қуйидагиларни жамлаши ва тақиклаши керак:

- ишчи ходимларга ўз компьютерларига турли маълумотларни (дастурлар, ўйинлар, мусиқа ва иш жараёнига тегишли бўлмаган маълумотларни) ёзишни тақиклаш;
- уларни тарқатиш ва кўпайтиришни тақиклаш;
- ахборот воситаларини ўғирлашни тақиклаш;
- ахборот мазмунини эгасидан изинсиз ўзгартриш ва бузиб қўйиш;
- тармоқ ва серверлардан берухсат фойдаланиш;
- тармоққа тажовуз қилиш;
- аввал қўлга киритилган маълумотларни қайта узатиш;
- интернет тармоқига фақатгина хавфсизлик администратори рухсати билан чиқини амалга ошириш;
- хизматдан ёки ахборотга дахлдорликдан бўйин товлаш;
- жўнатмаларни рухсат этилмаган йўл орқали жўнатиш;
- хавфсизлик меъёрларини бузган ходимларга маъмурий ёки интизомий жазо қўлаш.

Ахборот хавфсизлиги

Уни таъминлаш чоралари



Кўрсатилган талаблар ахборот тизимидаги ахборотлардан фойдаланиш қулайлиги, уларнинг бутунлиги, конфедиансалигини таъминлашга йўналтирилган. Ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг қуйидаги 10та асосий элементи ажратилган:

- ахборот хавфсизлиги сиёсати;
- ахборот хавфсизлиги учун жавобгарликни тақсимлаш;
- ахборот хавфсизлиги бўйича ходимларни ўқитиш ва тренинг;
- хавфсизлик билан боғлиқ бўлган можаролар бўйича ҳисобот;
- вируслардан муҳофаза қилиш;
- ахборот тизими ишининг узлуксизлигини таъминлаш;
- лицензияланадиган дастурий таъминотдан нусха кўчирилишини назорат қилиш;
- ташкилот/муассасанинг архив ҳужжатларини муҳофаза қилиш;
- шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш;
- ахборот хавфсизлиги сиёсатини бажариш.

Ҳозирги кунда ҳар бир корхона ва ташкилот ички ва ташқи тармоқларга эга. Бунда ҳар бир ташкилот ва корхона ходимлари ахборот алмашиши имкониятига эга, айниқса, электрон почта орқали кўплаб маълумотлар алма-

- хавфсизлик даражасини аниқлаш ва қайд этишда;
- юзага келиши мумкин бўлган хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор этишда;
- хавфсизлик даражаси билан боғлиқ сабаб ва оқибатларни бартараф этишда;
- хавфсизлик даражасини тўғри танлашда ва бирламчи ҳаракатларни амалга оширишда.

Назорат журнали қондага мувофиқ электрон шаклда хавфсизлик администратори (маъмур) томонидан иш жойида юритилади (баъзи ҳолларда қоғоз шаклда ҳам юритилиши мумкин). Назорат журналидаги қайدلлар хавфсизлик администратори томонидан қуйидаги вақт оралиғида архивланиб турилиши керак:

- ҳар куни;
- кунора;
- ҳар ой давомидан.

Хавфсизлик администратори ахборот тармоғидаги дастурий таъминотнинг маълум меъёрда ишлашига жавобгар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳар бир корхона ёки ташкилотдаги ахборот хавфсизлиги даражаси даставвал шу корхона ходимлари томонидан амалга оширилиши керак. Бунинг учун ҳар бир ходим ўз иш жойида керакли ахборот ва маълумотларнинг дахлсизлигини сақлаши шарт. Биз одатда эътибор бермайдиган оддий нарса туфайли кўплаб керакли ва корхона учун муҳим маълумотлар ўзгалар қўлига тушиб қолади. Шунинг учун ҳар бир корхона хавфсизлик администратори иштирокида ахборот хавфсизлиги бўйича ички йўриқнома ишлаб чиқилиши керак. Бу йўриқнома ўз

Айни пайтда республикамизнинг турли соҳаларида, шу жумладан, ахборот-коммуникация соҳаларида татбиқ этилаётган ҳимояланган электрон Е-ХАТ ва ҳимояланган электрон ҳужжат алмашув Е-Нижатда мазкур патентга асосланган аутентификация ва махфий калитларни генерациялаш тизимидан фойдаланилмоқда. Бу тизимда ахборотларнинг махфийлиги ва бутунлигини таъминлаш механизлари жорий этилган. Фойдаланувчи аутентификацияси учун анъанавий пароллардан ташқари фойдаланувчининг махфий калитларидан ҳам фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, ғаразли мақсаддаги таҳдидчиларнинг тизимга киришига йўл қўймайди.

Шунингдек, юқорида тилга олинган ихтирога асосланган ҳолда ахборотни криптографик муҳофазалашнинг турли воситалари ҳам яратилмоқда. Ахборот хавфсизлиги ва криптология илмий-тадқиқот бўлимида яратилган электрон қўлф ускунаси (EQU-1)нинг намунавий нусхаси шулар жумласидандир.

Шухрат АХМАДЖОНОВ,
“Андижон Телеком”
филиали мутахассиси

Встреча с делегацией университета Инха

24 мая 2010 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с делегацией Университета Инха (Республика Корея) во главе с Президентом университета г-ном Бон Су Ли.



Созданный в 1954 году Университет Инха в настоящее время является одним из ведущих ВУЗов Республики Корея. На сегодняшний день в университете обучаются около 20 тыс. студентов по различным направлениям промышленности, науки и технологий.

На встрече стороны с удовлетворением отметили тесное сотрудничество Ташкентского университета информационных технологий (ТУИТ) с Университетом Инха. В про-

шлом году в ТУИТ были организованы краткосрочные учебные курсы с привлечением корейских преподавателей, а также со стороны Инха были предоставлены компьютерные классы, используемые в учебном процессе университета.

Отмечено, что подписанный в феврале 2010 года в рамках Государственного визита Президента Республики Узбекистан в Республику Корея Меморандум о взаимопонимании между УзАСИ, ТУИТ и Инха, а также Договор между двумя университетами, подписанный 24 мая 2010 года в Ташкенте послужат основой для расширения сотрудничества путем обмена студентами, профессорами, проведения совместных научных исследований, консультаций и др.

Учитывая имеющийся потенциал, в ходе встречи стороны подтвердили готовность в дальнейшем развитии узбекско-корейского сотрудничества в области подготовки высококвалифицированных специалистов.

Международный семинар в области связи

20 мая 2010 года Узбекское агентство связи и информатизации совместно с ОАО «Узбекистон почтаси» в Ташкенте провели международный семинар, организованный Всемирным почтовым союзом (ВПС) совместно с Региональным содружеством в области связи (РСС) на тему «Развитие таможенных служб и их влияние на почтовый сектор» для специалистов администраций связи РСС.

На семинаре приняли участие специалисты Администраций связи и почтовых операторов Азербайджана, Республики Беларусь, Казахстана, Кыргызстана, Молдовы, Российской Федерации, Таджикистана, Украины и Узбекистана, представитель Исполкома РСС, а также эксперт из ВПС и представитель французской почты.

От Республики Узбекистан приняли участие руководители и специалисты Узбекского агентства связи и информатизации,

ОАО «Узбекистон почтаси», ГУП «UNICON.UZ» и представители таможенного поста «Бошпочтамт».

На семинаре рассматривались вопросы взаимодействия почтовых служб с таможенными органами в контексте новых нормативных положений для почтового обмена и электронных таможенных процедур.

В ходе семинара также были рассмотрены вопросы по изучению нового модернизированного таможенного кодекса ЕС, новых процедур и методов в области обмена электронными данными по таможене.

Участники обменялись опытом относительно предварительного декларирования вложений почтового отправления, обеспечения высокого качества передаваемых данных и вопросами правовой защиты, как например, пиратские и контрафактные изделия.

Пресс-служба УзАСИ

В Индии состоится всемирная конференция по развитию электросвязи

С 24 мая по 4 июня 2010 года в г. Хайдарабад (Индия) состоится Пятая Всемирная конференция по развитию электросвязи (ВКРЭ-10) Сектора развития телекоммуникаций Международного союза электросвязи.

Сектор развития телекоммуникаций Международного союза электросвязи (МСЭ) создан для содействия распространению справедливого, устойчивого и приемлемого в ценовом отношении доступа к информационно-коммуникационным технологиям, как одного из средств стимулирования широкого социально-экономического развития. Проводимая один раз в четыре года Всемирная конференция по развитию телекоммуникаций устанавливает конкретные приоритеты с целью оказания содействия достижению этих целей.

На ВКРЭ-2010 определяться темы работ исследовательских групп и другие вопросы для программ и деятельности ITU-D, а также региональные инициативы для формирования Плана действий на следующий четырехлетний исследовательский цикл на основе представленных вкладов и предложений государств-членов ITU.

Республикой Узбекистан на ВКРЭ - 2010 представляются 3 предложения по темам работ исследовательских групп и одна региональная инициатива:

1. Объединение исследовательских вопросов 18-1/2 «Аспекты внедрения ИМТ-2000 и совместного использования информации по последующим системам в развивающихся странах» и 20-2/2 «Изучение технологий доступа для широкополосной электросвязи»;
2. пересмотр резолюции 47 (Доха, 2006 г) «Руководящие принципы применения Рекомендаций МСЭ в развивающихся странах»;
3. пересмотр исследовательского вопроса 19-1/1 «Внедрение IP-телефонии в развивающихся странах» в новой редакции вопроса 19-1/1 «Экономические и регуляторные аспекты внедрения IP-телефонии в развивающихся странах»;
4. реализации региональной инициативы «Устойчивое снабжение электроэнергией объектов электросвязи в сельских и отдаленных районах».

Делегацию Республики Узбекистан на ВКРЭ-2010 представляют специалисты ГУП «UNICON.UZ» УзАСИ.

Для справки:

Республика Узбекистан является полноправным членом МСЭ с июля 1992г.

Всемирные конференции по развитию электросвязи созываются каждые четыре года в период между двумя полномочными конференциями.

Число абонентов «МТС-Узбекистан»

выросло на 50 тысяч

Абонентская база оператора мобильной связи «МТС-Узбекистан» по итогам апреля составила 7,43 миллиона пользователей, что на 0,7% больше показателя конца марта.

В течение апреля оператор подключил в Узбекистане 50 тысяч абонентов, а за первые четыре месяца текущего года – 360 тысяч.

UCell: «Подключись и выиграй»

UCell объявило о новой акции. Теперь новые абоненты получают призы и бесплатные минуты при подключении к UCell в рамках акции «Подключись и выиграй».

Каждый имеет шанс выиграть. 15 путешествий в Турцию на двоих, 60 плазменных телевизоров Samsung, 75 телефонов UCell и бесплатные минуты в рамках данной акции ждут победителей. Достоаточно только подключиться и стать абонентом UCell. Акция будет проходить до 30 июня 2010 года.

Участие на выставке «BEST SOFT UZBEKISTAN 2010»

Четвёртая ежегодная Национальная выставка программных продуктов «BEST SOFT UZBEKISTAN 2010», которая проходила в спортивном комплексе Ташкентского университета информационных технологий 18-19 мая, завершила свою работу.

На ярмарке участвовали около 70 международных и отечественных IT-компаний. Среди них – производители программных продуктов, контент-разработчики, провайдеры, научные и образовательные институты, представители министерств и ведомств и другие.

Центр UZINFOCOM также представил свой стенд, на котором можно было ознакомиться со всеми проектами Центра. Особое внимание было уделено проектам:


- ID.UZ – единая система авторизации;
- Датацентр UZINFOCOM, который на сегодняшний день предлагает услуги хостинга и co-location. Также участники выставки были ознакомлены с условиями акции по снижению стоимости на данные услуги до 1 июля 2010г.;
- Служба реагирования на компьютерные инциденты UZ-CERT, которая предлагает бесплатные программы мониторинга и блокировки сайтов в зоне «UZ» с обнаруженными угрозами.

Также, в рамках выставки, состоялся семинар на тему: «Центр Обработки Данных как основа ИТ-инфраструктуры предприятия», проведенный ведущим специалистом технической службы Центра – Анатолием Черновым.

Во второй день выставки Центр UZINFOCOM принял участие на ярмарке вакансий, где молодым соискателям были предложены перспективные направления по трудоустройству в сфере информационных технологий.

Программа выставки 2010 года была весьма насыщена, и прошедшее мероприятие можно считать крупнейшим республиканским событием выставочно-форумной жизни в сертифицированной отрасли.

Пресс-служба UZINFOCOM



DUŠANBA

ДУШАНБА — 31 МАЙ

РОССИЯ

- DUŠANBA**
- 05:55 Кўрсатувлар дастури.
 - 06:00 «Ассалом, Забекистон!»
 - 07:00 «Иклим».
 - 7:10 «Икки тақдир». Т/с.
 - 07:50 «Тонги наволар».
 - 8:00 «Ташлинома».
 - 8:45 - 9:35 «Манаиёвят» дастури.
 - «Болалар сайраси».
 - 09:35 «Сунги исток». В.ф.
 - 10:15 «Сининг адвокатингиз».
 - 11:00 «Ахборот».
 - 11:15 «Кўрми бўйлаб» дастури: «Кўра Ташкентим».
 - 11:35 «Аёл бахти».
 - 11:55 «Иклим».
 - 12:00 «Ассалом, Забекистон!»
 - 12:55 Миллий юкс: «Қор қўнида лог».
 - 14:00 «Ахборот».
 - 14:20 «Батанларвар».
 - 15:00 «Иклим».
 - 15:05 «Олам ва одам» дастури: «Сўт эмсузчулар ҳаёти».
 - 16:05 «Оқун».
 - 16:15 «Батан манзиллари».
 - 16:40 «Ўш дарё оралигида».
 - 17:00 «Ахборот».
 - 17:15 «Эл тинчлиги йўлида».
 - «Болалар сайраси»:
 - 17:35 «Эртақлар - яхшиликка етказар».
 - 17:55 «Сининг адвокатингиз».
 - 18:00 «Иклим».
 - 18:10 «Олтин мерос».
 - 18:20 «Бмир симфонияси». Т/с.
 - 18:30 «Саломат бўлинг!».
 - 19:15 «Ифтихор».
 - 19:20 «ТВ - широкор».
 - 19:25, 20:00, 20:55 Ҷангонлар.
 - 19:30 «Ахборот» /рус/.
 - 20:05 Миллий сериал: «Гулған афсонадилар».
 - 20:45 «Батанчани куйлайман».
 - 21:00 «Ахборот».
 - 21:40 «Обод маконлар».
 - 22:05 «Қирол ва мен». Т/с.
 - 22:45 «Иклим».
 - 23:00 «Сў қабллар». Б/ф.
 - 00:25 «00:35 «Оқун».
 - 00:35 Кўрсатувлар дастури.
 - «Аёл бахти».
 - 01:00 «Ахборот» /рус/.
 - 01:35 «Батанларвар».
 - 02:15 «Иклим».
 - 02:40 - 03:20 «Манаиёвят» дастури.
 - 03:20 «Салом, Ёшлар!».
 - 04:00 «Ахборот».
 - 04:35 ТелеҶаур: «Оқибат».
 - 05:15 «Иклим».
 - 05:20 «Ўш дарё оралигида».
 - 05:45 - 05:55 «Оқун».

- DUŠANBA**
- 22:30 Миллий сериал: «Чорраха-дану уй».
 - 23:10 Жаҳон киноси «Ноттинг Хилл».
 - 01:10 «Хайт симфонияси».
 - 01:20 «Салом, Ёшлар!».
 - 02:00 «Давр».
 - 02:30 «Гули ғори». Т/с.
 - 02:40 «Таранум».
 - 05:00 «Эл тинчилиги».
 - 05:10 - 06:30 Миллий кино: «Нотаниши».

- DUŠANBA**
- 20:35 Жаҳон спорт юлдузлари: «Михаэль Шумахер».
 - 21:00 «БРЕЙН - РИНГ».
 - 21:45 ХАБАРЛАР.
 - 22:00 «Универсиада шохшўпаси».
 - 22:05 Футбол. Мундиал - 2006. Олтин лавазли.
 - 22:20 ИНТЕРФУТБОЛ (Танаффузда реҷавна дастури анонси)
 - 00:10 Тунги ҳаётлар.
 - 00:20 «Хайри тун!».

- РОССИЯ**
- 06:00 Евроновости (рус.)
 - 09:00, 18:30, 22:30 Новости культуры
 - 09:30 «Қиё тоғи».
 - 09:45, 00:35, 01:50 Программа поездов
 - 09:55 «Қаё венкали не в церкви». Х/ф.
 - 11:25 Вспомогательная программа Футбольного «Запис прочтении». Д/ф.
 - 12:05, 18:50 «Рим, рассвет и закат империи». Д/с «Завоеваны Давид».
 - 12:50 «Мой Эрмитаж».
 - 13:20 А. Володин. «Графоман».
 - Фильм-спектакль
 - 14:30 Все о собаках.
 - 14:35 «38 погулаев». М/ф.
 - 14:45 «Грозные камни». Т/с
 - 15:35 «Остров орангутанов». Д/с.
 - 15:55 Концерт Милли Майского (вокальмейль) и Лили Майской (танец). Д/с «Завоеваны Давид».
 - 16:50 Энциклопедия.
 - «Аттила». Д/ф.
 - 17:00, 00:40 Academia: Юрий Пиваров. «Трагедия российской государственности». 1-я лекция.
 - 17:45 «Фонтане. Обитель нечестивцев» ошанствующих братьев». Д/ф.
 - 18:05 «В главной роли...».
 - 19:40 Абсолютный глук. Алмазах го истории музыкальной культуры.
 - 20:20 Острова. Константин Вилнес
 - 21:05 «Тем временем».
 - 22:00 Из истории российской разведки. Люди и судьбы: «Обман Болларвар».
 - 22:50 «Гангство бража». Д/ф
 - 00:05 «Надеждава шараго за горизонт». «Оқун в невидимом». Д/ф.

- DUŠANBA**
- 06:30 «Салом, Ёшлар!».
 - 07:10 «Давринг боласи».
 - 07:20 «Мультипанорама».
 - 08:00 «Қор алангаси». Т/с.
 - 08:40 «Инсон психологияси».
 - 09:10 «Тақдир киссалари». Т/с.
 - 09:50 «Калажақ эгалари».
 - 10:00 «Давр». Хафта якуни.
 - 10:30 «Вигун».
 - 11:10 «Нафс гирдоби».
 - 11:30 «Муҳижазани дуд».
 - 11:40 «Ўш жодуси». Т/с.
 - 13:10 «Давринг боласи».
 - 13:20 «Миллий мультифильм».
 - 13:40 «Сирли ўрмон».
 - 14:00 «Салом, Ёшлар!».
 - 14:40 «Шарқ гавазари».
 - 15:10 «Yoshlar.FM».
 - 15:40 «Қулп ва гузал».
 - 16:20 «Мультипанорама».
 - 16:50 «Катта танаффус».
 - 17:00 «Пурор». Т/с.
 - 18:00 «13-студия».
 - 18:30 «Қишлоқ таракети».
 - 18:50 «13-ЕД».
 - 19:00 «Давр».
 - 19:30 «Чолиқуши». Т/с.
 - 20:10 «Давр навазиси».
 - 20:40 «Тоғқ бўлиги».
 - 20:40 «Автопартуль».
 - 21:00 «Батан мексиси».
 - 21:10 «Тақдир киссалари». Т/с.
 - 21:55 «Иклим».
 - 22:00 «Давр».

- DUŠANBA**
- 07:00 «Хайри тонг!».
 - 07:25 Кабарлар.
 - 07:35 Болалар майдончиси: Тонги гимнастика.
 - «Спортландия».
 - Мультифильм.
 - 08:00 «Тренеримиз вместе».
 - 08:15 ХАБАРЛАР.
 - 08:30 «Малахов +».
 - 09:20 Футзал. Осиё чемпионати. 3 турини кун».
 - 10:40 «Универсиада - 2010» уинлариди.
 - 12:20 Велоспорт. «Жиро д' Италия - 2010». Кўпкунли велопойга.
 - 13:00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
 - 13:05 Болалар майдончиси: «Спортландия».
 - Мультифильм.
 - 13:35 Футзал. Осиё чемпионати. Финал.
 - 14:55 Баскетбол НБА.
 - 16:30 Болалар майдончиси: «Спортландия».
 - Мультифильм.
 - 17:00 «Универсиада - 2010» уинлариди.
 - 19:00 ХАБАРЛАР.
 - 19:20 Спорт, спортмасса».
 - 19:55 У-шу. Забекистон чемпионати.
 - 20:30 «Универсиада шохшўпаси».

- БИРИНЧИ**
- 04:00, 08:05 «Доброе утро».
 - 06:00, 11:00, 14:00, 02:00 Новости
 - 08:30 «Малахов +».
 - 09:30 «Модный приговор».
 - 10:25 «Контрольная закупка».
 - 11:05 «Доктор».
 - 12:20 «Детектив».
 - 13:00 Другие новости
 - 13:25 «Очень Простите!».
 - 14:25 «Хочу знать» с Михаилом Ширвиндтом
 - 14:55 Т/с «Обручальное кольцо».
 - 15:50 «Федеральный судья».
 - 17:00 Вечерние новости
 - 17:20 «След».
 - 18:00 «Давай поженимся».
 - 18:55 «Жди меня».
 - 20:05 «Бремен».
 - 20:30 Т/с «Ермолова».
 - 21:30 Т/с «Московская сага».
 - 23:00 «Фонор».
 - 23:30 Ночные новости
 - 23:50 «Калифорния». Новый сезон

- РОССИЯ 1**
- 04:00 «Утро России».
 - 08:05, 02:40 «Королева тигров. Маргарита Назарова».
 - 08:00 «Ю самом главном». Ток-шоу.
 - 10:00, 13:00, 16:00, 19:00 Вести.
 - 10:30, 13:30, 16:15 Местное время. Вести-Москва.
 - 11:50 «Богатая и любимая». Т/с.
 - 11:45 Т/с «Путешествия».
 - 02:40, 02:40 Вести. Дагестанская жизнь.
 - 13:50 Т/с «Тайны следствия».
 - 16:30, 23:10 «Кухня и партнеры».
 - 16:35 Т/с «Дворики».
 - 17:05 «Евроновости». Т/с.
 - 18:00 «Слово женщине». Т/с.
 - 19:30 «Сложной ночи, малыши!».
 - 20:00 Т/с «Застывшие дефети».
 - 21:55 «Ночной Фолан».
 - 22:50 «Вести+».
 - 23:40 «Хочу жить!».
 - 00:45 Х/ф «Это я».

- НТВ**
- 04:40 Х/ф «Государственная гвардия» ф.3. «Восточный рубеж» 2 с.
 - 06:00 «Сегодня утром».
 - 07:30 «Кинолария поединков».
 - 08:30 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю.
 - 09:00, 12:00, 15:00, 18:00, 22:15 Сегодня.
 - 09:20 «Средний класс».
 - 10:00 Т/с «Формула судьбы».
 - 11:00 Суд присяжных.
 - 12:30 Т/с «Авдока».
 - 13:30 Т/с «Знаки судьбы».
 - 14:30, 17:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
 - 15:30 Т/с «Улицы разбитых фонарей».
 - 16:30 Т/с «Дикий».
 - 18:30 Т/с «Час Волкова».
 - 22:35 Честный понедельник.
 - 23:25 «Школа злословия». Ток-шоу. Яна Троянова и Василий Сиварев.
 - 00:15 «Роковой день».

- СТС**
- 07:30, 14:30М/с.
 - 09:30 Т/с «Играшки».
 - 10:00, 21:00 Т/с «Возрождения».
 - 10:00, 00:40, 01:00 «Б кадры» Т/с
 - 10:30, 13:00, 16:00 Т/с «Галланы дурман».
 - 11:00, 18:30 «Галлюци» курсы».
 - 12:00, 20:00 «Кремлевские ракетки».
 - 13:00 «Ранетки» Т/с
 - 19:30 «Давать молодёжь!» Т/с
 - 22:00 «Марш» Т/с
 - 23:00 Х/ф «Кийор».
Мамлакатимизда давлат ва инсон манфаатларида устуворлик инсонга берилган. Шу маънода фуқароларнинг мурожаат қилишдек субъектив ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни ҳам давлат ўз қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйди. Соҳани тартибга солувчи махсус қонун — “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун 1994 йил 6 майда қабул қилиниб, 2002 йил 13 декабрда унинг янги таҳрири тасдиқланди.

Юқорида қайд этилган Конституция нормасидан Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Энг муҳими, фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини амалга оширишлари бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги керак.

Конституциянинг ўзида тўғридан-тўғри белгиланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ва шикоят кўринишида озгаки ҳам, ёзма шаклда ҳам бўлиши мумкин. Бу икки шакл ҳам бир хил аҳамиятга эга.

Ариза — фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш-

да ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир. Масалан, ишга жойлашиш ҳақидаги, моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги, сиёсий партияга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги, олий ўқув юртига кириш тўғрисидаги, хорижий мамлакатга кириш-чиқиш визаларини очиш ҳақидаги мурожаатлар ариза тарзида бўлади.

Таклиф — фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир. Масалан, қонунларни такомиллаштиришга доир, акциядорлик жамияти фаолиятини ривожлантиришга доир акциядорнинг мурожаатлари таклиф кўринишида бўлади.

Шикоят — фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир. Масалан, биринчи инстанция жиноят-судлов ёки фуқаролик-судлов ишларининг якуний ҳужжати ҳисобланган — ҳукм ёки ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф ёки улар қонуний вакилларининг юқори инстанция судига апелляция ёки кассация тартибиде йўллайдиган мурожаатлари шикоят орқали амалга оширилади.

Мурожаатларда фуқаронинг фа-

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси.

милияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган, ёзма шаклдаги мурожаатлар мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Борди-ю, ушбу маълумотлар кўрсатилмаса ёки мазкур маълумотлар сохта бўлса, имзоланмаган бўлса, бундай мурожаатлар аноним ҳисобланади ва улар кўриб чиқилмайди. Фуқароларнинг юқоридеги талабларга жавоб берувчи мурожаатлари, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқиши керак.

Қонунчиликка кўра, фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган мuddат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этилган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик мuddат ичида маълум қилинади. Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган мuddат ичида, қўшимча ўрганишни талаб текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар

кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш мuddати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фуқаронинг тухмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 139-моддасига кўра, тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваргача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравардан юз бараваргача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Мавлон ЛАТИПОВ,
ТДЮН таъққотчиси

ФРАНЦИЯ ПОЧТАСИ

(Давоми. Бошланиш ўтган сонда.)

Ўз-ўзига почтачи

La Postening барча фаолият йўналишлари (хат ва жўнатмаларни етказиш, экспресс ва банк хизматлари) почта алоқаси бўлимида йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Европадаги энг марказлашган почта бўлими (17 мингта шохобча) тармоғи айнан Францияда жойлашган.

2012 йилда 90 фоиз мижозга почтани вақтида, сифатли етказиш учун ҳозирдан почта бўлими иш фаолиятини янгилашга киришилган. Бу борада алоқа бўлимига ўрнатилган база транзакцияларини амалга ошириш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга мўлжалланган автомат терминаллар кўл келиши аниқ.


Умуман олганда, бутунги кунда La Poste почта бўлими фаолияти икки соҳа — банк ва савдо доирасида ташкиллаштирилган. Биринчи йўналишда молиявий маслаҳатчилар ва мижоз-менежерлар хизмат кўрсатса, иккинчисида ўз-ўзига хизмат кўрсатилади: автомат терминал ва кўп функцияли будкалар воситасида мижозлар тезкор банк ўтказмаларини амалга оширишлари ёки хат ва жўнатмалар олиб-

жўнатишлари мумкин.

Франция почтаси бўлими тармоғини ривожлантириш миллий режалаштириш давлат дастури ва махсус инвестиция жамғармаси ҳисоби ҳам муваффақиятли амалга ошмоқда. 2008 йилдан бошлаб почта бўлими ривожлантириш учун йилига 140 миллион евро киритилмоқда ва диққатга сазовор томони, биринчи навбатда қишлоқлар, тоғли туманлар ва денгизорти ҳудудларда жойлашган алоқа бўлимига асосий эътибор қаратилаётир.

La Postening галдаги режаси хизмат кўрсатиш ҳамкорлик нукталарини кенгайтиришдир. Шу йўл билан қишлоқ жойларда тўлақонли почта хизмати кўрсатиш, кам бориладиган алоқа бўлимига ҳамкор почта агентликлари ёки воситачиларни йўллаш орқали амалиёт таннархини камайтириш, хизматларни маҳаллий аҳоли турмуш тарзига мослаштиришга эришилади.

Бу борадаги доимий изланишлар самараси ўлароқ, ҳозирги кунда Франциянинг 90 фоиз аҳолиси энг яқин почта алоқаси бўлимидан 5 километрдан узоқ бўлмаган ҳудудда яшамоқда ва бу бўлимлар кунига 2 миллион мижозга хизмат кўрсатяпти.



Ўхшаши йўқ

Франция почта банки — La Banque Postale банк ва сўғурта маҳсулотлари ва хизматларини мамлакат миқёсида аҳоли ҳамда ташкилотлар учун тақдим этади. Банк бир жиҳатдан бошқа банкларда йўқ имкониятга эга, яъни уларнинг ҳеч қайси бири почта банки сингари аҳолининг барча қатлами фойдалана оладиган кенг тармоққа эга эмас.

Ана шу имкониятдан келиб чиқиб, La Banque Postale бир мақсад сари олга интилоқда — мижозлар учун ҳафтанинг етти кунда, суткасига 24 соат хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш. Мақсадга эришишда барча алоқа бўлимида бу банк хизматлари мавжудлиги-ю, 23та молиявий марказда фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг билими асосий омил бўлиши билан бирга, баъзи бир ҳамкорларнинг ёрдами ҳам катта бўлиши мумкин. Маса-



лан, айнан ҳамкорлар кўмагида почта банки хизматларига мурожаат қилишнинг муқобил манбалари яратилди, банкнинг веб-сайти ҳам бунинг сирасига киралди.

Жаҳон иқтисодий инқирози La Banque Postale фаолиятига жиддий таъсир кўрсата олмади, қайтанга 2008 йили барқарор ўсиш кузатилди: Банк амалиётлари бўйича даромад 3,2 фоизга ўсиб, 2441 миллион еврони ташкил этди, 2009 йилда эса 4 фоизлик ўсишга эришилди. Банка кўйилмалар келиши камайса-да, мижозларнинг омонат ҳисоблари, мuddатсиз кўйилмалари 8,1 фоизга ўсиб, 275,5 миллиард еврога етди. Бундан ташқари, мижозлар сони ортишда давом этипти, ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг охиригача уларнинг сони 10 миллион нафарга етиши кутуляпти.

(Давоми бор.)

Фарзандларимиз — юрт келажяги

Бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам замонавий ахборот технологиялари ишлаб чиқаришнинг барча жабхаларини камраб олмоқда. Бундай технологияларга кизиқиш, айниқса, болаларда кучли. Улар деярли ҳар қаламда учрайдиган интернет-кафеларнинг доимий мижозларига айланишган. Интернет тармоқлари кўпайган сари ўргинчак тури каби фарзандларимизни ўз домига тортяпти. Компютер ўйинлари болалар маънавиятига қай даражада таъсир қилаётир.

Мавжуд муаммоларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак? Мухбиримиз билан суҳбатда фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас Абдусаматов ана шулар ҳақида гапирди.

— Муқаддас опа, бошидан кўлаб яхши ва ёмон кулларни ўтказган тажрибали инсон сифатида айтишчи, бугунги кунда болалар маънавиятига эътибор қай даражада зарур?

— Бугун боғчаларда, мактабларда камол топаётган болалар эртанги кунимиз эгалари, халқ таянчидир. Уларни маънавиятли қилиб тарбиялаш билан бобо ва момоларимиз бизга ишониб топширган, айни пайтда эса бутун чоралар билан ривожлантиришга ҳаракат қилинаётган гўзал Ўзбекистонимиз келажягини ишончли, тарбияли инсонларга топширишга замин ҳозирлаган бўламыз.

Болалар маънавиятини ҳимоя қилиш, интернет орқали бўлаётган, афсуски, кўпинча ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар эътиборидан четда қолаётган ёт ғоялар ҳужумидан сақлаш бугунги куннинг биринчи галдаги вазифасидир. Баркамол авлодни тарбиялаш ҳукмат эътибори даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Чунки, болалар маънавиятига ҳужум жангтоҳларгадиск кўзга кўриниб турмайди, аксинча, аста-секинлик билан болалар ва ўсмирлар маданиятини ичичидан кемириб боради.

— Интернет-кафега болалар ўйини учунгина киришадими?

— Яқинда компютерхоналардан бирига иш билан кирдим ва билдимки, бу ерга одамлар нафақат компютер ўйини, балки

интернетда ишлаш, матн кўчириш, қўғозга чиқариш, нусха кўчириш каби ишлар билан ҳам киришар экан. Лекин келувчиларнинг асосий қисми ўсмирлар эканлиги ва улар турли зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилувчи ўйинларни ўйнаб ўтиришгани мени ранжитди. Компютерда жангарилар ўйинини ўйнаб ўтирган боладан дарс вақтида нима учун бу ерда ўтириши сабабини сўрадим. У эса “Коллежда ўқийман. Домламыз иш билан кетганлиги учун бир соатга компютер ўйнагани келдим”, деди гап оҳангидан саволим ёқмаётганини билдириб. Унинг бу гапи ростдан кўра ёлғонга кўпроқ ўхшарди.

— Компютернинг болалар учун фойдали томонлари ҳам кўп-ку!

— Албатта. Болаларимиз ахборот технологияларини ишлаш ва фойдалана билишлари шарт. Улар интернет тармоқларидан исталган маълумотини олади. Ҳатто интернет орқали имтиҳон топшириб, чет элдаги нуфузли олий ўқув юртрларига ўқишга қабул қилинганларнинг борлиги қувонarli ҳол. Бироқ, интернет-фаоллик ўз ўрнида, ўз чегарасида ишлатилмаса хавф туғдириши мумкинлигини унутиб қўяпмиз. Турли жангари фильмларни томоша қилган, зўравонликни тарғиб қилувчи ўйинларни ўйнаган болалар қалбидаги меҳр-шафқат, болаларча бегу-борлик ўрнини жоҳиллик эгалламоқда. Бунга жим қараб туриш келажягимизга болта уриш билан баробар.

— Мавжуд муаммоларни ҳал этишда нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Аввало ота-оналар масъу-лиятини ошириш керак. Улар

дарсдан кейинги вақтларда болаларига назоратни кўчайтирмоқлари лозим. Қолаверса, компютерхоналарни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, уни маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, педагоглар назоратта олишларига эришиш лозим. Миллий маънавиятимизга тўғри келмайдиган интернет сайтларига тармоқ филтрлари ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўларди. Хусусий тадбиркорлар билан улар компютерларга ўрнатган ўйинларнинг болаларга салбий таъсири, синф раҳбарлари эса ота-оналар билан компютер ўйинларининг зарарлари тўғрисида кўпроқ суҳбат уюштирса мақсадга мувофиқ бўларди. Энг муҳими эса интернет-кафеларда қатъий назорат ўрнатиш, ўсмирлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинларни қатъий тақиқламоқ зарур.

— Компютер клубларига кирсангиз, у ердаги ёшларнинг кўпчилиги илм билан эмас, турли ўйинлар билан бандлигини кўрасиз. Уларни илмга қизиқтириш учун нима қилиш керак?

— Дастурчиларимиз болаларнинг ақлий қобилиятини шакллантирувчи, мантиқий фикр юритишга ундовчи филм-ўйинларни ишлаб чиқарсалар айни муддао бўларди. Зеро, компютер ўйинлари боланинг ёшига мос, уларни эзуликка, яхшиликка ундовчи дастур асосида тузилган бўлсагина, у боланинг ақлий жиҳатдан ривожланишига имкон яратади ва онгда юксак маънавиятнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Шунингдек, жангари ўйинларни ўйнаш, ваҳшийликни тарғиб қилувчи фильмларни томоша қилиш зарарли эканлигини болаларнинг ўзлари ҳам тушуниб етишлари учун ота-она, жамоатчилик, ўқитувчи ва мураббийларнинг биргаликдаги ҳаракатлари зарур. Ахир, бола бир ҳимоясиз ниҳол кабидир. Уни тик, қақувват ўсишига ёрдамлашмоқ, турли ёмонлик ва зарарлардан ҳимоя қилмоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

М. ИДРИСХУЖАЕВА
суҳбатлашди



Телеиммунитет

Бугунги кунда ёшлар ва болалар телевизорда намойиш этиладиган кўпгина бадий, мультфилм ва кўрсатувлардан “қизиқарлиси”, яъни “боевик”, “ужас”, “фантастика”, “триллер” ва ҳоказоларга кўпроқ қизиқишади. Катталар, айниқса, ота-оналар бу нарсаларга кўп ҳолларда бефарқлар. Болаларининг бундай фильмларни кўришига қарши чиқаётганлари ҳам бор. Хўш, бундай вазиятларда ота-оналар қандай йўл тутишлари лозим деб ўйлайсиз? Қуйида ўз кундалик ҳаётимда фарзандларимга қўллаган йўриқлардан келтирмоқчиман:

1. Фарзандларингиз билан биргаликда турли кўрсатувларни томоша қилинг, гарчи у кўрсатувлар сизнинг қизиқишларингизга ва бадий дидингизга тўғри келмаса-да. Баҳс юритишга секин киришинг ва шундай вазиятни юзага келтиринг-ки, кўпроқ болангиз гапирсин, сиз эшитинг. Биринчидан, шу йўл билан болангизнинг ички дунёсида нималар бўлаётганини билиб борасиз, иккинчидан, болангиз сизнинг унга бўлган қизиқишингиз ортганини пайқаб ич-ичидан хурсанд бўлади.

2. Ҳар кўрганда, у нима бўлишидан қатъий назар, “бу яхши”, “бу ёмон” каби изоҳлардан ўзингизни тийинг, кўпроқ фарзандингиз фикри билан қизиқинг, унинг қизиқишларини ҳурмат қилинг.

3. Асоссиз гапирманг, мабодо фарзандингизнинг агрессив филмларга бўлган қизиқишини сусайттирмоқчи бўлсангиз, унда бошқа нарсаларга диққатини жалб қилишга тайёр бўлинг, ўз устингизда ишланг ва замонавий ёшлар кўпроқ нималарга қизиқишини ва айнан сизнинг фарзандингиз дилидан ва психологиясидан келиб чиқиб ҳаракат қилинг.

4. Фарзандларингиз ақлий ривожини учун ижобий таъсир кўрсатадиган филмлар ва кўрсатувларни танлашга ёрдам беринг, чунки кўпинча болалар ўзлари билмаган ҳолда тенгдошлари танлаган нарсаларга қизиқадилар, сизнинг вазифангиз эса фарзандингизда оммавийликни эмас, балки ўзига хосликни тарбиялашдир.

5. Бир нарсани унутманг: сизнинг фикрингиз фарзандингиз учун ўта муҳимдир, лекин ҳамма гап бу фикрни қандай қилиб еткази олишда.

Гулшана ХУДОЁРОВА,
ТАТУ Қарши филиалининг
маънавият ва маърифат маркази раҳбари,
педагогика фанлари номзоди

Эзгу ишлар бардавом

2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши замирида нақадар чуқур маъно борлигини фахр билан тилга олмай илжамимиз йўқ. Авваламбор, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тараққиётнинг Ўзбек модели — ривожланишнинг тадрижий кетма-кетликка асосланганини қайд этиш жоиз. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир йилда маълум бир босқични режалла амалга оширишни белгилайди.

Биз ўз номи билан тадриж деб атадикки, бир йил келаси йилни тўлдирди, унга қўшимча бўлади. Шу ўринда, бу тадрижий давомийликнинг оқилона танланганлигини қайд қилиш лозим. Масалан, Ёшлар йилини олиб қарайлик. Бу давр мобайнида қанчалаб коллежлар, академик лицейлар куриб битказилди. Мактабларни жорий ва капитал таъмир-

лаш авж палласига кирди. Мактаб таълимини ривожлантириш, умумийлий Давлат дастури ижросини таъминлаш ишлари Ёшлар йили давлат дастури ижроси билан уйғунлашиб кетдики, бу ўз навбатида, мактаб ўқувчилари онгда миллий истиқлол ғояси тўла шаклланишига, бутунлай янгича авлоднинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади.

Эндиги масала қишлоқда яшовчи ёшларнинг дунёқарашини ҳам замонга мослаш эди. Шунинг учун Президентимиз 2009 йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилди. Бу йилда узок-узок қишлоқларда замонавий коллежлар, мактаблар битказилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Энди қишлоқ ёшлари ҳам шаҳарлик ёшлардан асло кам эмас. Жорий Баркамол авлод йилида ҳам аввалги

йилларга монанд эзгу ишлар давом этмоқда. Шулардан бири “Меҳр нури” жамғармасининг олиб бораётган турли лойиҳаларидир. Университетни битказган ёшларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган ёшларга кўмак кўрсатиш каби ишлар олиб боришмоқда.

“Меҳр нури” жамғармасининг энг эзгу лойиҳаларидан яна бири иқтидорли ёшларни турли хил бунёдкор ғоялар бўйича бирлаштириш ва уларни рағбатлантириш борасида яқин кунларда бўлиб ўтадиган грантлар танловидир. Бу танловда ТАТУ Урганч филиали талабалари ҳам “Ахборот технологиялари” йўналиши бўйича ўз ғоялари билан қатнашишга жуда катта ҳоҳиш билдирмоқдалар.

Мен филиалимиз талабаларига мазкур танловларда муваффақият тилайман.

Ойбек АЛИЕВ,
ТАТУ Урганч филиали 1-босқич талабаси

нетга боғланиш учун авваламбор компютер, алоқа канали, модем ва дастур таъминотига эга бўлиш керак. Провайдер телефон рақамларини олиш ҳамда мижознинг қайд қилинган такрорланмас номи (Login) ва парол (Password)га эга бўлиш зарур.

Интернет хизмати турлари

Интернет авваламбор унинг фойдаланувчиларига ахборот хизмати кўрсатиш учун яратилгандир. Хўш, бу хизмат нимадан иборат ва унинг қандай турлари мавжуд? Ушбу саҳифада биз мана шу хизмат турлари ҳақида сўз юритамиз.

Умуман олганда, интернет хизмат турлари ниҳоятда кўп ва хилма-хил бўлиб (янги хизмат турлари кун сайин пайдо бўлиб, баъзилари йўқолмоқда) уларни куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- WWW — электрон саҳифа хизмати
- Электрон почта хизмати
- Телеконференция (Usenet)
- Файлларни узатиш (FTP)
- Домен номлари хизмати (DNS)
- 5Telnet хизмати
- IRC — хизмати ёки Chat конференция
- Маълумотларни излаш хизмати


WORLD WIDE WEB (Жаҳон ахборот тармоғи)

WWW интернетнинг энг оммалашган ахборот хизматларидан бири саналади. Ҳозирги вақтда интернет хизматининг 90 фоизга яқинини www хизмати ташкил этади. Интернетга асос солингандан бошлаб (1969 йил), WWW хизмати ташкил этилгунга қадар интернет секин ривожланиди ва 25 йил давомида бор-йўғи 2 миллионга яқин фойдаланувчига эга эди, холос.

(Давоми бор.)

24

КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ



ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСЛАРИ

*ЎзААА ва ТАТУ билан
ҳамкорликда тайёрланди.

17

East Telecom
TPS
ARS Inform
Cron Telecom
Roll.uz
Uzscinet ва ҳ.к.

Интернет тезлиги ва сифати провайдера боғлиқ. Шунинг учун провайдерни танлашда куйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- Қайси тармоқлар билан маълумот алмашади, тармоқнинг маълумотни ўтказа олиш қобилияти.
- FTP имкониятининг берилиши.
- Алоқа тезлиги ва сифати, модемга телефон қила олиш қобилияти, провайдер модеми тури (бир хил корхона модемлари мунтазам алоқани ўрнатади).
- Техник хизмат кўрсатилиши.
- **Веб-браузерлар** – бу интернет ресурслари ва маълумотларидан фойдаланишни таъминловчи дастурлар бўлиб, уларнинг куйидаги турлари мавжуд:

Internet Explorer
Firefox Mozilla
Netscape Navigator
Opera
Google Chrome
Safari ва ҳ.к.

• Веб-саҳифалар асосан ўзида маълумотларни жамловчи контейнер ҳисобланиб, уларнинг икки тури мавжуд:

Статик – ўзгармас веб-саҳифалар.

Динамик – мурожаатга нисбатан шакллантириладиган веб-саҳифалар.

Интернетда ишлаш тартиби

Интернетда бирор саҳифани очиб кўрмоқчисиз. Саҳифа

22

Интернет тармоғининг асосий ячейкалари — шахсий компютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир.

Интернет алоҳида компютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина қолмай, балки компютерлар гуруҳини ўзаро бирлаштириш имконини ҳам беради. Агар бирон-бир маҳаллий тармоқ бевосита интернетга уланган бўлса, у ҳолда мазкур тармоқнинг ҳар бир ишчи станцияси интернетга уланиши мумкин. Шунингдек, интернетга мустақил равишда уланган компютерлар ҳам мавжуд. Уларни хост-компютерлар (host-раҳбар) деб аташади. Тармоққа уланган ҳар бир компютер такрорланмайдиган рақамли ўз адресига эга ва унинг ёрдамида жаҳоннинг исталган нуқтасидаги исталган мижоз уни топа олиши мумкин.

Интранет — бу интернет технологияси, дастурий таъминоти ва протоколлари асосида ташкил этилган, маълумотлар базаси ҳамда электрон маълумотлар билан жамоа равишда ишлаш имконини берувчи корхона ёки концерн микросидаги ягона ахборотлашган муҳитни ташкил этувчи компютер тармоғидир.

Интранет бошқа компютер тармоқларидан куйидагича фарқланади:

Бир ёки бир неча серверлардан ташкил этилган тармоқ мижози ундаги электрон маълумот, маълумотлар базаси ва файллардан фойдаланиш учун, уларнинг қайси серверда, қайси директорияда қандай ном билан сақланганлигини, уларга кириш усул ҳамда шартларини билиши зарур бўлади.

Сервер — бу бошқа компютер ва дастурларга хизмат кўрсатадиган компютер воситаси ёки дастурдир. Яъни бошқа компютерларга ўзининг файлларидан фойдаланишга рухсат берувчи компютер сервер ҳисобланади. Битта компютерда бир неча сервер ишлаши мумкин.

Интернетда эса бундай ноқулайликлар олди олинган бўлиб, унинг фойдаланувчиси бундай маълумотларни билиши шарт

19


Интернет нима?

Интернет — бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компютер тармоғидир. Унинг номи «тармоқлараро» деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компютер тармоқларини бирлаштирувчи ахборотлашган тизим бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал тўпладан ташкил топади.

Интернет, унга уланган тармоққа кирувчи барча компютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини яратиб беради. Ўзининг компютери орқали интернетнинг ҳар бир миждоши бошқа шаҳар ёки мамлакатга ахборот узатиши мумкин.

Фойдаланувчи нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, интернет биринчи навбатда тармоқ миждошларига ўзаро маълумотлар алмашиш, виртуал мулоқот қилиш имконини яратиб берувчи «ахборотлашган магистрал» вазифасини ўтайди, иккинчидан эса унда мавжуд бўлган маълумотлар базаси мажмуаси дунё билимлар омборини ташкил этади. Бундан ташқари, интернет бугунги кунда дунё бозорини ўрганишда, маркетинг ишларини ташкил этишда замонавий бизнеснинг энг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда.

Интернетга боғланиш ва ундан фойдаланишнинг асосий техник воситасини шахсий компютерлар ташкил этади. Имкониятларини кенгайтириш учун унга микрофон, видеокамера, овоз чиқаргич (аудиоколонка) ва бошқа қўшимча қурилмаларни улаш мумкин. Интернет хизмати интернет провайдерлари ёрдамида алоқа каналлари орқали амалга оширилади. Алоқа каналлари сифатида телефон тармоғи, кабелли каналлар, радио ва космос алоқа тизимларидан фойдаланиш мумкин.



адресини киритдингиз ва уни очдингиз. Қандай қилиб бир неча дақиқада саҳифа сизнинг экранингизда пайдо бўлади? Бу саҳифаларни топиш учун сизнинг WWW кўриш дастурингиз URLдан қандай фойдаланади? Саҳифани топиш учун дастур провайдерда жойлашган домен номлари хизмати дастурлар мажмуидан фойдаланади. У DNS (Domain Name Service) деб аталади ва интернетни компютерингизга ўрнатганда киритилади. Netscape Windows билан биргаликда ишлаётганда сизнинг TCP/IP протоколингизни бу домен номини сизнинг DNS серверингизга узатади.

Этибор берган бўлсангиз доменлар номи кўпинча .com, .edu ёки .org билан тугайди. Қуйида оммабоп идентификакторлар мисоллар билан келтирилган.

*.com — Тижорат ташкилотлари учун ишлатилади, масалан: microsoft.com, ibm.com.

*.edu — Ўқув муассасалари учун ишлатилади, масалан: vcu.edu (Virginia Commonwealth University), cmu.edu (Корнеги Меллон Университети), wsu.edu (Washington State University).

*.gov — Давлат муассасалари учун ишлатилади, масалан: whitehouse.gov (Оқ уй), jpo.gov (US Government Printing Office).

*.org — Нотижорат ташкилотлар учун ишлатилади, масалан: irex.org (Айрекс ташкилоти).

*.net — Интернетнинг хизмат провайдерлари учун ишлатилади, масалан: internic.net (InterNIC), si.net (Sprint International).

Давлатларни изоҳловчи доменлар мавжуд:

*.uz	Ўзбекистон	*.li	Лихтенштейн
*.uk	Буюк Британия	*.cn	Хитой
*.ca	Канада	*.ru	Россия
*.ch	Швейцария	*.de	Германия
*.au	Австралия		

Интернетга боғланиш учун нима қилиш керак? Интер-

эмас. Бундан ташқари, интернет тармоғида мавжуд барча электрон маълумот ва маълумотлар базасини гипербоғланишлар ёрдамида ўзаро боғлаб ягона ахборотлашган муҳит қуриш, унда қулай ахборотлашган қидирув тизимларини ташкил этиш мумкин бўлади.

Интернетнинг асосий тушунчалари:

Интернет – International network — халқаро тармоқ маъносини англатади.

Веб-сайт – бирор-бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ҳодисага бағишланган маълумотларни ўзида жамлаган интернет-саҳифалар мажмуи.

Интернет провайдер – интернет тармоғи хизматларидан фойдаланишни таъминлаб берувчи юридик шахс.

Электрон почта – интернет тармоғи орқали тезкор маълумотлар ва хабарлар алмашиш тизими.

Чат – интернет тармоғи орқали тезкор мулоқотни ёзишув асосида ташкил қилиш хизмати.

Форум – интернет тармоғи орқали турли тоифадаги масалаларни ўзаро муҳокама қилиш тизими.



Интернет конференция – интернет тармоғи хизматлари орқали турли анжуманларни ташкил этиш.

Трафик — бу интернет алоқа каналлари орқали узатилган маълумотлар оқими ҳажми.

Интернет манзил (URL) – интернет тармоғида жойлаштирилган ахборот ресурсларининг муҳожаат манзиллари.

Интернет билан боғланишнинг қуйидаги кўриниши мавжуд:

Оддий телефон линияси орқали интернетга боғланиш



Мобил телефон орқали интернетга боғланиш

Интернет билан боғланиш асосан интернет провайдерлар ёрдамида амалга оширилади.

Интернет провайдерлар қуйидаги интернет хизматларини фойдаланувчиларга тақдим этади:

Интернет ресурсларидан фойдаланиш.

Электрон почта хизмати.

Шахсий веб-сайтларни интернетга жойлаштириш.

Веб-узеллар учун манзилларни жорий қилиш.

Интернет орқали аудио ва видеоконференциялар ташкил этиш.

Интернет қидирув тизимларидан фойдаланиш.

Интернет ўйинлар, маданий ҳордиқ, радио ва телевидение.



Қуйида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган айрим интернет провайдерлар кўрсатиб ўтилган:

- Sarkor Telecom
- UzNET

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомининг 49-бандига асосан:

“FAN-TEKNIKA VA MARKETING TADQIQOTLARI MARKAZI”нинг (Тошкент ш.):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2005 йил 25 августда берилган АА серияли 0001102 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2005 йил 25 августда берилган АА серияли 0001103 рақамли лицензияларнинг амал қилиши “UNICON.UZ” ДУКнинг 2010 йил 6 майдаги хатига мувофиқ;

“ROVER COMPUTERS-PRINT SERVIS” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 11 июлда берилган АА серияли 0002543 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 5 майдаги хатига мувофиқ;

“DADAN-MEDINT-SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2006 йил 13 февралда берилган АА серияли 0001329 рақамли лицензияларнинг амал қилиши унинг 2010 йил 4 майдаги хатига мувофиқ 2010 йил 25 майдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомининг 23 ва 52-бандига асосан “ALOQA SERVIS PRIM” хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2009 йил 1 декабрда берилган АА серияли 0003084 рақамли лицензия 2010 йил 25 майдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”-ги 421-қарорига асосан лицензияланадиган фаолиятни давом эттириш учун тенг улдушда давлат божини тўламаганлиги сабабли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомининг 45-бандига асосан:

“TVI CHIRCHIQ TELEVISION” масъулияти чекланган жамиятнинг (Чирчиқ ш.) теледастурулар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2010 йил 20 апрелда берилган АА серияли 0003213 рақамли;

“ORIF-TEX” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (радиотелефон алоқа) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2006 йил 3 октябрда берилган АА серияли 0001707 рақамли;

“ORIF-TEX” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2006 йил 3 октябрда берилган АА серияли 0001708 рақамли;

“AVTOTRANSSTROYMEXANIZATSIYA” ОАЖ “NAVOYENERGO-ALOQA” шўба корхонасининг (Навоий ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 15 февралда берилган АА серияли 0001868 рақамли;

“Сурхон электр алоқа махсус таъмирлаш” масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2006 йил 31 мартда берилган АА серияли 0001413 рақамли;

“Хаёт” телерадиокомпаниясининг (Сурхондарё вилояти) теледастурулар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2010 йил 30 мартда берилган АА серияли 0003189 рақамли;

“Шарқ телевидениеси” ёпик турдаги акциядорлик жамиятнинг (Наманган ш.) теледастурулар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2006 йил 24 мартда берилган АА серияли 0001594 рақамли;

“TEMIR XIZMAT” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2008 йил 11 июлда берилган АА серияли 0002550 рақамли; “СИНЧКОР” хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 15 февралда берилган АА серияли 0001865 рақамли;

“ФАЗО” телевидениеси (Навоий ш.) теледастурулар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 2 майда берилган АА серияли 0001969 рақамли;

“Телеком-А” хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 15 мартда берилган АА серияли 0001886 рақамли;

“TOSHKENT TELEKOM MONTAJ” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 28 мартда берилган АА серияли 0001907 рақамли;

“ALEX” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 19 мартда берилган АА серияли 0001901 рақамли;

“Алоқа таъмир таъминот” хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 7 майда берилган АА серияли 0001970 рақамли;

“TASHSOTTA'MIROURLISH” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 14 майда берилган АА серияли 0002000 рақамли;

“Терра-Дон” хусусий корхонасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 30 майда берилган АА серияли 0002022 рақамли;

“FAYZ-TELEKOM” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 31 августда берилган АА серияли 0002146 рақамли;

“Энергопром Авто Строй” масъулияти чекланган жамиятнинг (Фарғона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 20 декабрда берилган АА серияли 0002289 рақамли;

“АЛОҚА-ТЕЛЕ-ЛЮКС” хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 19 мартда берилган АА серияли 0002406 рақамли;

“PARKET-ELIT” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2008 йил 13 мартда берилган АА серияли 0002383 рақамли;

“FAYZLI XIZMAT” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2008 йил 2 июлда берилган АА серияли 0002523 рақамли;

“Нурота телевидениеси” (Навоий ш.) теледастурулар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 19 ноябрда берилган АА серияли 0002687 рақамли;

“PRONTO TELEKOM PLUS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 10 октябрда берилган АА серияли 0002153 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 26 ноябрда берилган АА серияли 0002255 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 26 ноябрда берилган АА серияли 0002256 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 26 ноябрда берилган АА серияли 0002257 рақамли; “Mirjalol qurilish shuhrati” хусусий корхонасининг

(Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2008 йил 23 октябрда берилган АА серияли 0002659 рақамли;

“CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2008 йил 23 октябрда берилган АА серияли 0002672 рақамли;

“CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2008 йил 5 декабрда берилган АА серияли 0002701 рақамли;

“ALOQA SHAMS SERVIS” хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 3 ноябрда берилган АА серияли 0002682 рақамли;

“Ипюнч” телерадиокомпанияси (Сурхондарё вилояти) теледастурулар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2006 йил 24 мартда берилган АА серияли 0001446 рақамли;

“Шеробод туман маҳаллий телевидениеси” (Сурхондарё вилояти) теледастурулар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2007 йил 27 февралда берилган АА серияли 0001883 рақамли;

“НУРОБОД” фермер ҳўжалигининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 5 декабрда берилган АА серияли 0002708 рақамли;

“GULNUR SADIRBAEVNA” хусусий фирмасининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 18 декабрда берилган АА серияли 0002722 рақамли;

“ALFA TELEKOM” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2008 йил 30 декабрда берилган АА серияли 0002725 рақамли;

“VASCO TECHNOLOGY SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2009 йил 6 апрелда берилган АА серияли 0002823 рақамли;

“VITA SERVIS INJINIRING” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2007 йил 19 апрелда берилган АА серияли 0001948 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 26 майдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомининг 49-бандига асосан:

“URGUT-GRAFIKA-SERVIS” хусусий корхонасининг (Самарқанд вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2008 йил 2 июлда берилган АА серияли 0002534 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 11 майдаги хатига мувофиқ;

“ALOQA QURILISH MONTAJ” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2009 йил 10 июнда берилган АА серияли 0002910 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 12 майдаги хатига мувофиқ;

“Алоқа-А.К” хусусий тижорат ишлаб чиқариш корхонасининг (Гулистон ш.) теледастурулар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга 2008 йил 3 апрелда берилган АА серияли 0002414 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 14 майдаги хатига мувофиқ;

“MONTAJ AVTOMATIKA SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2008 йил 30 майда берилган АА серияли 0002495 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 14 майдаги 29-сон хатига мувофиқ 2010 йил 26 майдан тугатилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбектелеком” АК жамоаси компания ходими
Ҳамид ДҮСТМУҲАММЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Самарқанд Телеком” филиали жамоаси, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси филиал директори ўринбосари Юсуф Жабборовга отаси
Қамар отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиал механиги Рафур Чоршанбиевга укаси
Даврон ЧОРШАНБИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Бола тинч — олам тинч

Болалар... Қалби қор қаби оппоқ, беғубор бу ширинжонларни авайламоқ, уларнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун барча шароитларни яратмоқ катталарнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ушбу вазифа “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида қандай амалга оширилмоқда? Бу борада филиал маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлиги қай даражада йўлга қўйилган? Мухбиримиз билан суҳбатда филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов ана шулар ҳақида гапирди.

— Филиалда Баркамол авлод йили Давлат дастури асосида қандай ишлар олиб борилляпти?

— Аввало шуни айтиш керакки, мазкур Давлат дастури асосида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ўз дастурини ишлаб чиққан. Ҳар иккала дастур асос қилиб олинган бизнинг ўз дастуримиз бор. Корхона ишчи-ходимларининг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғломлаштириш, улар ўртасида турли кўриктанлов ва мусобақалар ташкил этиш каби ўнлаб тадбирлар ана шу дастурдан ўрин олган.

— 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni муносабати билан қандай тадбирлар амалга оширилади?

— Шу кун арафасида филиал маънавий-маърифий ишлар бўлими билан ҳамкорликда расмлар кўргазмаси ташкил этилади. Ҳозир анчагина расмлар тўпланиб қолди. Болажонларнинг беғубор орзулари ўз аксини топган уларда. Шунингдек, байрам муносабати билан спортнинг шахмат, шашка турлари бўйича мусобақа ўтказилади. Ҳар икки беллашув қолиблари фахрий ёрлиқ ҳамда қиммат-

бахо совғалар билан мукофотланишади. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ишчи-хизматчиларнинг 14 ёшгача бўлган 260 нафар фарзандларига дам олиш оромгоҳига йўлланма бердик.

— Болаларни ёзги соғломлаштириш масаласи қандай ташкил этилляпти?

— Бу борада иш берувчининг ёрдамини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Агар юқоридаги тадбирлар касаба уюшмаси кўмитаси маблағи эвазига амалга оширилган бўлса, болаларни ёзги соғломлаштириш, байрам тадбирларини ўтказиш, уларни янги йил совғалари билан хурсанд қилиш каби ишларнинг ҳаммасини корхона маъмурияти ўз зиммасига олган. Биргина ўтган йили бу тадбирлар учун 15 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Яъни, 18та оила фарзандлари билан дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарган бўлса, қолган оилалар корхона ҳисобидан “Ором”, “Сумча” каби оромгоҳларда дам олишди. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари Бухоро ҳамда Бўстонликдаги “Нилуфар” ва “Алоқачи” болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди.

Шунингдек, ҳар йили анъанавий тарзда “Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз” тадбири ўтказилиб, қолибларга қимматбахо совғалар берилди.

— Корхона ишчи-хизматчилари фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш борасида яна қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Бирорта байрам йўқки, болалар эътибордан четда қолдирилган бўлса. Байрамларда махсус транспорт ташкил этиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига олиб борамиз. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларнинг биринчи синфга борадиган фарзандлари учун театрлаштирилган тадбир ўтказилади. Нуфузли театрларнинг артистлари олиб борилади бундай байрамларни. Шу кун болаларга ўқув қуроллари совға қилинади. Ўтган йили 17та оиланинг фарзандига шу йўл билан ижтимоий ёрдам берилди.

“Болалари” мактаб, лицей, коллежларда ўқийдиган оилаларнинг ҳар бир фарзанди маълум микдорда ўқув қуроллари билан таъминланади.

Олиб борилаётган ишларимиздан мақсад битта, у ҳам бўлса келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишларига қўмаклашиш, қолаверса, “Бола тинч — она тинч” деганларидек, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат самардорлиги юқори бўлишига эришишидир.

Муборак МИРКАМОЛОВА
суҳбатлашди

➔ BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Осмонда камалакнинг пайдо бўлиши табиат ҳодисаларидан бири. Топингчи, нима учун камалак яримта?

Газетанинг 21 май 21(922) сониде эълон қилинган “Қушларни нега тоқ урмайди?” саволига жавоблар:

— Гап шундаки, сим ва унга келиб қўнган қуш ўртасида турли кўрсаткичли кучланиш ҳосил бўлмайди. Чунки қуш ерга тегмай, фақат битта симда ўтиради. Худди ана шу ҳолатда қуш ва симдаги кучланиш бир хил бўлиб қолади. Аммо тўсатдан қанотини қоқиб, ёндоқ симга тегиб кетса борми, қушнинг омон қолиши қийин.

Санобар ҲОТАМОВА
Оқсўрғон тумани

Табриклиаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона, Қўқон, Учкўприк почта алоқаси тармоқлари ходимлари Рилма РУФ, Изатхон МАМАСОДИҚОВА ҳамда Ҳикматой МЕЛИБОЕВАларни 50 ёшлари билан чин дилдан кўтаиб, уларга “...стаждам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту камолни кўришиликни тилайди.”

“Бухоро Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиалнинг телефон алоқаларини узатиш ускуналари цехи 1-тоифали муҳандиси Назира БОЗОРОВАни 55 ёши билан салимий табриклаб, унга узоқ умр, муштаҳкам соғлиқ тилайди.

“ЎЗИ-Самарқанд” филиали жамоаси, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси “ЎЗИ-Самарқанд” филиали абонент бўлими бошлиғи Фанишер РОЗИКОВни 50 ёши билан қизгин муборакбод этади. Унга узоқ умр, оилавий бахт ва меҳнат фойалитида юксак омадлар тилайди.

“ALSKOM” суғурта компанияси жамоаси компаниянинг Фарғона филиали Қўқон бўлинмаси бошлиғи Шухрат АҲМЕДОВни 50 ёшга тўлаши муносабати билан чин дилдан табриклаб, унга узоқ умр, оилавий хотирижамлик, бахт-саодат ва олиб бораётган ишларида зафарлар тилайди.

➔ RIVOYAT

Бир мири қадри

Топган пулининг ҳар сўмини тежаб-тергаб ишлатишга одатланган бойга:

— Хасислик ҳам эви билан-да, бир мири учун юз юмаламасанг нима қилади? — дейишса у:

— Нега энди мен бир кун, бир ҳафта, бир ой, бир йилга стадиган молимдан кечар эканман, — дебди.

— Бу нима деганинг, қандай қилиб бир миридан шунча фойдаланиш мумкин, дейишди одамлар.

— Агар бир мирига туз олсам бир кунга, ҳаммомчига берсам бир ҳафтага, кир ювувчига берсам бир ойда, суургига олсам бир йилга стади. Шунча кунимга ярайдиган нарсани нега энди эҳтиёт қилмас, қадрига етмас эканман?, — дебди бой. — Менинг бир мири учун юз юмалашим хасисликдан эмас, тежамкорликдандир. Исрофчи шайтоннинг дўсти эканлигини унутманг.

Г.ҲАЙДАРОВА

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Агар торт хамирига эритилган ёғ қўшиқчи бўлсангиз, уни суёт оловга қўясиз. Ҳосил бўлган кўпиги кўтарилгач, оловдан олиб, дурдаси аралашиб кетмаслиги учун бошқа идишга қўйиб олиш лозим.

● Агар ёғ эритилмасдан қўшиладиган бўлса, у оқаргунга қадар аралаштирилади. Ишлатиладиган тухум янги бўлиши шарт.

● Хамир қилинадиган ун тоза бўлса-да, элаш керак. Чунки эланганда унинг орасига ҳаво кирди ва хамир яхши қўпчийди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҲУРИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродиял САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфиалло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэм ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶

Реклама матнларининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66,
288-40-69.
Факс: 288-40-72.
E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-402 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 16940 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.